

КИШИЛОК ЖАЎЎТИ

Ўзбекистон Республикаси ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 3 АВГУСТ, сешанба, № 56 (6.012). Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:
3-саҳифа
Истиқлол ва истиқбол
1-2-саҳифалар:
Мўъжиза яратаётганлар
4-саҳифа:
Номус пулга сотилмайди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида истеъмол товарлари билан чакана савдо қилувчи ва хизматлар курсатувчи жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш, шунингдек ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Очқолар буюм бозори» очик акциядорлик жамиятининг иш тартибисини Ўзбекистон Республикасининг бошқа чакана бозорларига ҳам таътиб этилсин.
2. Белгилансинки, 1999 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида ва 1 октябрдан бошлаб Қорақал-

ТОЛЕИНГ БОР, БАХТИНГ БОР БОЛАМ!



Саволга замондошларимиз фаолияти, турмуши ёрқин жавобдир!

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

— Узро ҳамкорлигимизни кенгайтиришга бу яна битта қадамдир, — деди АҚШнинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел Ташиқ иқтисодий алоқалар вазирлигида имтиёзли савдо битими имзолангандан кейин «Туркистон-пресс» мухбирига.

Битим АҚШдан бизнинг мамлакатимизга 36,9 миң тонна соя донини келтиришни кузда тугати, Лойкиннинг жами қиймати 10 млн. АҚШ долларини бўлиб, ундан 6,4 млн. доллар маҳсулотнинг узини харид қилишга, 3,6 млн. доллар эса уни келтиришга сарфланади. «Шуни таъкидлаб ўтишим кераки, деди Ж. Пресел, бу АҚШнинг Ўзбекистонга ердани бўлибгина қолмай, биз учун фойдали битим ҳамдир. Бу — кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиш, Америка фермерларининг муаммоларини ҳал этиш имконини беради».

«Шартнома шартлари нихоятда қулай, деди Ўзбекистон Ташиқ иқтисодий алоқалар вазирлиги «Энер Ганев» «Туркистон-пресс» мухбирига. — Соя донини харид қилиш учун беш йил кечиктирилган муддат ва янги фойдаланиш шартлари билан битим имзоланди. АҚШнинг Ўзбекистонга ердани бўлибгина қолмай, биз учун фойдали битим ҳамдир. Бу — кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиш, Америка фермерларининг муаммоларини ҳал этиш имконини беради».

«Шартнома шартлари нихоятда қулай, деди Ўзбекистон Ташиқ иқтисодий алоқалар вазирлиги «Энер Ганев» «Туркистон-пресс» мухбирига. — Соя донини харид қилиш учун беш йил кечиктирилган муддат ва янги фойдаланиш шартлари билан битим имзоланди. АҚШнинг Ўзбекистонга ердани бўлибгина қолмай, биз учун фойдали битим ҳамдир. Бу — кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиш, Америка фермерларининг муаммоларини ҳал этиш имконини беради».

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

БУ САВОЛГА ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИ, ТУРМУШИ ЁРҚИН ЖАВОБДИР!

6 ой ичида туман «Пахта-банк»га 30 миллион сўм нақд пул туширди. Яна кўплаб янги режалар устида баш қотиряпмиз.

Баъзан ўйлаб қоламан, истиқлолсиз бу имкониятлар қаерда эди? Демак, мустақилликка ҳар қанча тазйим қилсангиз, бу мулкдорларга бемалол меҳнат қилиш учун шундай қулай имкониятларни ярати берган ҳукуматимизга, шахсан Президентимиз Исрол Каримовга мингдан-миг ташаккур.

Собирхон САЙИДХОНОВ, Пискент туманидаги «Сардорхон» хусусий қарвонсаройи раҳбари.

НУРАФШОН КЕЛАЖАК

Мустақиллик ва бугунги деҳқон. Шу ҳақда ўйласам, кўксим гурурга тўлади, ким эдигу ким бўлдиқ? Фақат пахта етиштиришни билардиқ. Далада йил — уни икки ой жонимизни жабборга бериб ишлаб, биримиз икки булгагани билмайман.

Истиқлол кишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Янги маҳаллалар, гузарлар пайдо бўляпти, коллежлар, мактаблар қуриляпти, қайқа қараманг бир янглик, бир ўзгариш.

Аммо, менга қолса энг катта янглик, энг катта ўзгариш деган бўлардим. Бойси, одамларимизда ерга эгалик тўғриси шаклланипти. Кишлоқда мулкдорлар синфи пайдо бўляпти. Йўра ва фермер хўжалиқлари, ширкатлар оқибатда пайдо бўляпти. Иш қилишнинг шарафати, булар ҳаммаси мустақиллик шарофати. Мустақиллик берган имкон. Мустақиллик берган эмин-эркинлик деб биланман. Бугун деҳқон бир умр ишлаб келган шу даласи ўзиники эканлигини, қанчалик меҳнат қилиб, мул, сифатли, баракат топишини яхши билди.

Хўжалигимизда давлатга галла сотиш режаси ҳам, ишлаб чиқариш режаси ҳам ошири билан бажарилди. Кишлоқларимизда дон қирмаган хонадон қолмади ҳисоб. Оилавий пудратчиларимиз-ку, режалар ошичига топширган галласини оляпти. Шу билан бирга биз имборимизда анчагин дон борлигини ҳисобга олиб, хўжалик фахрийларини, кўп болали, серфарзанд оилаларни ҳам янги ҳосил билан сийлаяпмиз.

Иброҳимжон СОБИРОВ, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги И. Набиев номли жамоа хўжалиги раиси.

ЭРКИНЛИКНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Мана, мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги нишонланадиган кун ҳам яқинлашиб қолди. Бугун мунда иқтисодда қисқа бўлса-да, лекин республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бунга биргина кишлоқ хўжалигида қилинган юмушларни кўриб ҳам баҳо бериш мумкин.

Масалан, бизнинг фермер хўжалиги фаолияти ҳам фикримизга далил бўла олади. Хўжалик ташкил этилган, яъни 1992 йили 35 бош қорамол мавжуд эди. Бизга ташландиқ ердан жой ажратилди. Мана шунга ҳам етти йилга яқин вақт бўлди. Илдан-илга кўрсаткичлар яхшиланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамми ошиб бормоқда. Аниқ пайда 200 бошга яқин қорамол парвариш қилинапти. Олинаётган даромад микдори ҳам ошиб борапти. Фермер хўжалиги ўз ҳисобидан чойхона, маҷит, саргарошхона, пойфазл тузатиш устанонаси қуриб берди.

Хуллас, ишларимиз ёмон эмас. Буларнинг ҳаммасига мамлакатимиз мустақиллиги тўғрисида эришилган натижа билан биргача ўзим ишлаётган соҳадаги ишларни мисол қилиб кўрсатдим. Аслида барча тармоқларда ишлар яхшиланиб, бормоқда. Шундай экан, мустақилликни қадрлашимиз, унга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Рустам ПАЙЗИЕВ, Фижудвон туманидаги «Файз» фермер хўжалиги бошлиғи.

ТАРАҚҚИЁТ ИМКОНИ

Мустақиллик биз каби оддий ишчилар ҳаётига ҳам алоҳида мазмун, рўзгорига кут-баракат олиб кирди. Халол меҳнат қилиб бўлган мумкин эканлигига қонуний имкониятлар яратиб берди.

Тўғриси янайтсам, илгари фақат қуруқ маош билан қиёяланиб юрардиқ. Баъзан йилда бир-икки бор тақдирлаш мақсадида мукофот бериб қўйишарди. Истиқлол тўғрисида қорхонамизга мулкчиликнинг янги шакли кирди. У ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Биз оддий ишчилар эса жамомиз раҳбар ва етакчи мутахассислари билан тенг ҳуқуқда ақилдор бўлдиқ. Энди ойлик маошларимиз ва мукофот пулларимиздан ташқари уч йилдан бунд дивиденд олаёмиз. Менинг қўлимда ҳам ҳар бирининг қиймати 500 сўмдан — 100 дон акция бор. Биринчи йили ҳар бир акциям учун 376 сўмдан, иккинчи йили 455 сўмдан, утган йили эса 540 сўмдан дивиденд

СОҲИБЛИК ҲУҚУҚИ

Собик иттифоқ даврида барча халқларнинг таҳлика ашаганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Одамлар ишлаб топган ўз шахсий жамғармаларидан очик-ойдин фойдаланишга, ҳатто бундайроқ уй-жой қуришга ҳам кўришарди. Мустақиллик тўғрисида бугун ҳалол меҳнат қилиб, қонуний йўлар билан керагича бойлик ортириш имкониятлари пайдо бўлди.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Исрол Каримовнинг «Бу Ватан менга нима берди деб эмас, мени ўзим шу азиз Ватанга нима бердим» даъвати ўртага ташланган эди. Мана шу сўзлар мени кўп ўйлантирди. Бир иш қилсангиз, ундан халким ҳам, ўзим ва фарзандларим ҳам манфаат кўрса дея оруз қилардим. Шу ниятда 1993 йилда туманимиздаги Аҳмад Дўстбеков номли жамоа хўжалигига қарашли ташландиқ бир дала шийонини томорқаси билан сотиб олдим. Унида ҳар томонлама замонавий бўлган 2 қаватли «Қарвонсарой» мажмуи қурилишига асос солидик ва уни қисқа фурсатда фойдаланишга топширдик.

Ҳозир қишлоқда аҳолига хизмат кўрсатаёпмиз. Қарвонсарой биносини табиғ газ, тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган, 3 гектар ерда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиряёпмиз. Янги боғ ва тоқзорларимиз бор. Иссик нон ёпиш цехини қуриб битказдик. Ёнилик қўйиш шохобчамиз ишлаб турибди, ўндан зибд янги иш ўринлари очилган эришдик. Мажмуимиз ўтган

Садоқат ЖУМАНОВА, «Охангарон» ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

МЎЪЖИЗАГА ИШОНАДИГАН ОДАМЛАР

Аслида Ватанинг ҳар қаричи Ватан. Шунинг учун ҳам қалбимизга Фирғона яшилликлари ҳам, Қишқадарь даштлари ҳам, Чимёи тоғлари ҳам бирдан тушди. Уларнинг асосини шундай масканимиз борки, остонасиданқо қорғимизга ўзгача бир ҳаётнинг тушуни.

Одам раҳбар бўлдимки, бошдан-оёғи эл қўзида, қилмиш этимиш эл оғзида бўлиб қолади.

— Янги ҳокимимиз қонунни маҳкам ушлайдиган қўринадди. Йўра тақсирчиларнинг ҳаммаси бир кунда патент олишибди-ю...

— Йўларга тош тушатирибди. Оёғига қараб ўйлабди, бундан бошқа чарчамади.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни

Амир Темури саркардаларига «Адолат дастурини» бўлиб, «Адил» деган мурожат қилганлар президентимизнинг «Халқ ҳамма нарсага чидаши мумкин, фақат адолатсизликка чидамайди» деган теран фикрлари ҳам соҳибқирон Бобомининг даъватларига эш. Сизнинг иш тамойилингизда адолат тушуниқининг қандай ўрни бор?

Туманимизда 150 миңга яқин аҳоли яшайди. Шундан 100 миңи кишлоқ одамлари.

Шу одамлар ўз имкониятлари даражасида ишляптими? Биз шу саволга қатъий тарзда «ха» деб жавоб бериш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бу йил пилда, бугун бундан давлат буржорларининг баҳардик. Ҳузу парваришига ҳам ўра бериб еттибим. Биз ерларимизни оз фозис насослар

БОШҚОРБЎГДА НИМА ГАП?

фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар бажарилмаётгани хусусида

Мамлакатимиз раҳбари гамаҳурлиги билан аҳоли муҳофазасини таъминлаш, уларни сел ва кўчки хавфларидан ўз вақтида огоҳ этиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тизимини йўлга қўйиш борасида ҳукумати-мизнинг бир қанча қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиғи ана шу муҳим ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда қўлгина ишларни бажаришга улғурди. Шунга айтиш керакики, сундги йилларда дунё бўйича табиий офатлар сони олдинги йилларга нисбатан анча қўпайгани кўпчиликлга аён. Маълумотларга қараганда турли фавқулодда ҳодисалар сундги 150 йил ичида 1998 йилдагидек кўп содир бўлмаган.

Утган йил республикамиз учун ҳам осон келгани йўқ. Шундай бўлса-да, юртбошимизнинг бу масалага бўлган жиддий эътибори,

Эҳтиёт — шарт!

Қаҳқаҳаре вилоятининг Деҳқонобод тумани қушни Сурхондарь вилояти билан чегарадош бўлиб, асосан табиий ва кир-адирлардан иборат. Бу туман узининг иқлими ва жуғрофий ҳолилашувига кура сел ва кўчки руй бериши эҳтимоли мавжуд бўлган. Ҳушлардан ҳисобланади. Аҳолиси асосан чорвачилик ва галлачилик билан шугулланади. Туман марказидан олтимчи қақирим нарида, яъни «Бошқорбоғ» жамоа ширкат хўжалигига қарашли «Ена» кишлоғи уртасидан «Кичик ура» дарёси оқиб ўтади. Дарёнинг кунгай томонидаги қирда олти хўжалик истиқомат қилади.

(Давоми 2-бетда)

Сешанбадан Жумагача

КўННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов «Умид» жамғармасининг хо-рижда ўқиш учун бериладиган грантларини олган ёшларга та-брикнома йўллади.

Пойтахтдаги Темирйўлчилар саройи-да темирйўл транспор-ти ходимларининг ка-си байрамларига ба-ғишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда республика Бош вази-ри уринбосари Л. Ах-метов катнашди.

Макроиктисодиёт ва статистика вазир-лигида ушбу соҳа хо-димларининг жорий йил биринчи ярми иш якунлари ва галдаги режаларга бағишлан-ган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вази-ри уринбосари, макроиктисодиёт ва статистика вазир Б. Ҳамидов олиб борди.

Республика Киш-лок ва сув хўжалиги вазирлигини тармоқ ходимларининг бирин-чи ярим йилликдаги иш натижалари таҳли-лига бағишланган йи-ғилиш бўлди. Йиғи-лишни республика Бош вазири уринбоса-ри, кишлоқ ва сув хў-жалиги вазир Б. Олимжонов олиб бор-ди.

Республика ҳуку-мати йўловчилар кат-товининг қўламини кенгайтириш, шунинг-дек, мамлакатимизда халқаро туризмни ри-вожлантиришни кў-лаб, Урганч ва Бўҳоро шаҳарлари тайёраох-ларига халқаро аэро-порт маконини берди.

Тошкент ислом дорилфунуни делега-цияси Роттердам ис-лом университети тақ-лифига бинон Голлан-дияга таширф буюр-ди, мамлакатимиз ва-киллари таширф даво-мида Европадаги қат-тор исломшунослик марказлари номонда-лари билан учрашди-лар.

Халқаро «Банкир» журнали берган хабар-га кўра Ўзбекистон Республикаси Ташиқ иқтисодий фаолият Миллий банки дунёда-ги энг ишончли 500 банк қаторида тан олинган.

Иброҳимжон СОБИРОВ, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги И. Набиев номли жамоа хўжалиги раиси.

КЕЛГУСИ СОНДА:

«Сайдинг қўябер сайё»

Зулфияхонимни эслаб...

Фарғонанинг порлок эртаси

Давоми 2-бетда

Давоми 2-бетда



МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

ТОШКЕНТ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

ИСЛОХОТ ИНСОН ХИЗМАТИДА

Пойтахт вилояти мустақил диёримизда азалдан узига хос урин тутати. Унинг ҳудудда бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида муҳим аҳамиятга эга булган унлаб саноат корхоналари фаолият курсатмоқда. Бекободдаги металлургия комбинати, шифер ва цемент ишлаб чиқариш заводлари, Ангрндаги кумир қазиб олиш ҳиссадорлик жамияти, чинни буюмлари, резина-техника ва картон қоғозлари корхоналари, Оҳангарондаги шефер ва цемент ишлаб чиқариш ҳамда пластмасса заводлари, Олмалик шаҳридаги «кон-металлургия корхонаси, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Мебель» комбинати, Чирчиқдаги «Чирчиқазот» жамоаси, қишлоқ хўжалиқ машиналари заводи ҳамда Янгийул шаҳридаги «Ег-мой» ҳиссадорлик жамияти ва «Мебель» ишлаб чиқариш комбинатлари шулар жумласидандир. Улар қаторида яна кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарётган корхоналарни санаб ўтиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, утган саккиз йил ичида вилоят ҳар жиҳатдан мукаммаллашган, саноат ва курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришда йирик индустриал ҳудудга айланган.

Шаҳар ва туманлар таниб бўлмас даражада гузал қиёфага кирди. Истиқлол туфайли мамлакатимизда жорий этилаётган бозор муносабатлари ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳар жаҳада қулай имкониятларни юзага келтирмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир туман ва шаҳарларда янгидан барпо этилаётган кўплаб корхоналар, ишлаб чиқариш шохобчалари сони кўндан-кўн ортиб бормоқда.

Саноатни қишлоққа олиб кириш, янги иш уринларини яратиш, корхона ва ҳўжалиқларда мулк шакллариинг узгараётганлиги аҳоли турмуш тарзида узига хос қулайликларни келтириб чиқармоқда.

Савдо, маиший, маданий, тиббий, халқ таълими ва спорт соҳаларида ҳам алоҳида эътироф этишга аризулик муҳим узгаришлар буй курсатмоқда.

Вилоят аҳли бозор иқтисодиёти шароитида давр талабларидан ортда қолмай, ҳар жаҳада намунали фаоллик курсатишга интиломоқда. Улар самарали меҳнатлари билан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, Ватанимиз раванқига алоҳида ва салмоқли ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаганлар.

Утган йили халқ депутатлари вилоят кенгашининг бўлиб ўтган сессияси ва унда сўзга чиққан Президентимиз Ислам Каримовнинг сермазmun нутқларида билдирилган фикрлар ишмизда дастуриламал бўлмоқда, — дейди вилоят ҳокими Уммат Мирзақуллов. — Биз сессияда билдирилган юксак ишончни оқлашга, таъкидланган ютуқларни янада мустаҳкамлаб, курсатилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун барча имкониятларимизни ишга солаямиз.

ХОРИЖ САРМОЯЛАРИГА ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Чет эл инвестициясини имкони борича кўпроқ жалб этиш, шу йул билан янги-янги қўшма корхоналар куриб, фойдаланишга топшириш аини вақтда вилоятда устувор йўналишга айланмоқда. Соҳада кўплаб намунали ишлар қилинмоқда. Урта Чирчиқ тумани маркази Тўйтепа шаҳрида бунёд этилган «Қобул — Узбек» қўшма корхонасида ҳар йили 20 минг тоннадан зиёд калава ип, 12 минг погон метрдан ортиқ хом сурп ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар жаҳон бозорида ута харидоргир, Жанубий Корея ва АҚШ давлатлари доимий мижозлар ҳисобланади. Биргина утган йилнинг узиде корхона мазкур мамлакатларга 48 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот сотди. Яна шу туманда ташкил этилган «Ана текстил» ЛТД, сутни қайта ишлаш заводи ва «Сен-Синг» қўшма корхоналари ҳам намунали фаолият курсатмоқда.

Бўстонлик туманида ташкил этилган турли йўналишлардаги қўшма корхоналар

ҳам бугун уз маҳсулотларини хорижга чиқармоқда. Уларнинг баъзилари жаҳон бозориде муносиб урин топибгина қолмай маҳсус ёрликлар ҳам олди. Утган даврда мазкур туманда Германия технологияси асосида иш юритаётган Ғазалкентдаги «Конвин — Конмит» Узбек — Англия қўшма корхонаси 320 минг дал вино, 150 минг дал ароқ, қарийб 4851 тонна қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Аини вақтда қўшма корхона фаолияти янада кенгайтирилиб, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш цехида йилга 4 миллион донна шартли банка ҳажмда гуштли консервалар тайёрлашга асос солинди. «Олтин қанот» — «Голден — Винг» қўшма корхонасида Туркия ишбилармонлари билан ҳамкорликда парранда гушти этиштирилмоқда. Бу ерга ҳар ҳафтада Нидерландиядан 20 минг донна тухум келтирилиб жўжа очирилмоқда. Улар икки ой боқилиб сўйилади ва қадқоқлини аҳолига сотилади. ҳозир фирма ҳисобига 75 минг донна товук боқилаяпти. Ҳар ойда 40 тонна парҳез гушти ишлаб чиқарилмоқда.

Хорижий сармояларни жалб этиш борасида Чиноз туманида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда утган қисқа давр ичида бир нечта ана шундай корхоналар фаолият курсата бошлади. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида курилиб, фойдаланишга топширилаётганлиги аиниқса қувончли булаяпти. Масалан, Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудиде утган йили ишга туширилган Германиянинг «Винклер» фирмаси корхонаси шу кунларда 22 хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Улар вилоятнинг кўплаб туманларига ҳам жўнатилмоқда. Энг муҳими, мазкур фирманинг ишга туширилиши қишлоқда бекор юрган 75 нафар ёшни иш билан таъминлашга йул очди. Ҳозир улар 3 сменада меҳнат қилиб, ҳар бири ойига уртача 8-10 минг сўмдан маош оляпти. Эътиборлики, хорижий сармояларни жалб этиш қўлами кўпайиб бормоқда. Шу мақсадда яқинда «Чиноздон» ҳиссадорлик жамияти қошида Туркия ишбилармонлари билан янги ун заводи куришга асос солинди. «Ёқут» Узбек — Турк қўшма корхо-



Янгийул туманидаги Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалиги вилоятда қўзга кўринган жамоалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили галлалчилик ва пахтачилик соҳасида дуруст натижаларга эришилмоқда.

Суратда: бошқарув раиси Уринбосари Хожиақбар Холмуродов илгор бригада бошлиғи Алибек Тўлабоев билан гўза ривожини кўздан кечирмоқда.

наси шу йилнинг 1 сентябрида фойдаланишга топширилади. Унинг қуввати бир суткада 70 тонна олий ва биринчи навли ун маҳсулоти ишлаб чиқаришга қодир. Яна янги 50 иш ўрни очилади. Бундай хайрли фаолият вилоятнинг Юкори Чирчиқ, Янгийул, Пискент ва Оққўрғон туманларида ҳам амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳаммасини фақат бир нарса — Истиқлол шарофати билан баҳоламоқ уринлидир.

МУЛҚДОР БОЙИСА, МАМЛАКАТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

— Бу хусусий фермани, республикамизда билмадим, лекин вилоятда ҳар жиҳатдан ягона эканлигига қафолат бера оламан, — деди Чиноз тумани ҳокими Рустам Холмаатов, Эътироз билдирмадик. Кўнглимизда қишлоқ мулкдорларини куриш истаги кучая

Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имкониятлари, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда юртимизнинг раванқини, порлоқ келажagini таъминлашда, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда вилоят аҳолиси ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ислам КАРИМОВ.



Бўка туманидаги Дадажон Ҳожиёв номли тикувчилик фабрикаси сўнги йилларда иқтисодий жиҳатдан ривожланган жамоалар қаторидан урин олди. Корхона цехлари замонавий тикув ускуналари билан жиҳозланган, унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ортди. Аини вақтда фабрикада мамлакатимиз Мудофаа вазирлигининг аскар ва зобитларига маҳсус кийим-кечак тикилмоқда. Суратда: цех бошлиғи Рохила Йўлдошева ва тикувчи Ойсара Хидирова.

бошлади. Алишер Навоий номли хўжаликка йул олди. Чорвачиликка иктисослашган «Юлдуз» хусусий фермасининг раҳбари Хусанжон Араббобоев эрталаб зарур юмуш билан қаёққадир кетган экан. Вақтни бой бермай чорвачилик мажмуғига кириб, атрофни кузата бошладик.

Ҳокимнинг таърифлаганича бор экан, чоратроф саришта. Узига хос тартиб ҳукмрон. Бостирмалар остиде ялтиллаб пишиқиб ётган қорамоллар ёнидан бефарқ ўтиб кетолмадик. Уларнинг аксарияти хориждан келтирилганлиги сабабли, узимиздагилардан бутунлай ажралиб турибди. Баъзиларининг тирик вази бир тоннадан ошади. Ҳаммаси семиз, дуркун.

Бир олам таассурот билан дарвозадан қайтиб чиқар эканмиз, шундоққина ёнимизга яп-янги «Нексия» келиб тухтади. Ундан баланд бўйли, сочлари сийрак ёш бир йигит тушди. Қўлида уяли чўнтак телефони. Ҳокимнинг топшириғи билан Хусанжонни узокда бўлса ҳам шу алоқа воситаси орқали осонгина топишганини пайқадик.

— Мана биз излаб келган бугунги куннинг мулкдори, — раҳбар билан таништирдик ҳамроҳимиз. Чорвадорлар учун маҳсус курилган баҳаво шийпонда утириб суҳбатлашдик.

— Истиқлолга икки қўлимизни куксимизга қўйиб таъзим қиламиз, ака, — дейди Хусанжон. — Илгари, ҳали бир замонлар келди, оддий чорвадорлар хорижий фирмалар ишлаб чиқарган машиналарда юради, компьютерларда ишлайди деса ким ишонарди? Мустақиллик туфайли мана етти ухлаб тушга ҳам кирмаган бахтга эришдик. Худога шукр, мулкдор бўлдик. Шаҳардами, бошқа вилоятдами қаерда бўлсам ҳам, мана бу чўнтак телефони орқали фермадаги аҳволдан бохабар бўлиб тураман. Истиқлол туфайли ҳозир мамлакатимиз халқи муъжизалар ичида яшаб меҳнат қилмоқда.

Хусанжон ҳақ. Бу дориломон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. У бошчилигидаги чорвадорлар 1995 йилда туманда ўтказилган «кимощи» савдосида мазкур хўжалиқ фермасини 558 бош қорамоли ва асо-



Вилоятда истиқлол йилларида янги-янги тиббий масканлар куриш қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бундай тадбирлар қишлоқ жойларида ҳам жадал амалга оширилаётганлиги аиниқса қувончлидир. Суратда: Оҳангарон туманидаги Илгор қишлоғида фойдаланишга топширилган янги тиббий хизмат кўрсатиш шохобчасини кўриб турибсиз.

сий воситалари билан 3 миллион 339 минг сўмга сотиб олишган эди. Аллақачонлар қарздан қутилишган. Ҳозир бош сон 600 га етган, қузга бориб 700 бошга етказиш мўлжалланмоқда. 183 гектар ерлари бор. Мавжуд 160 бош зотдор сигирларнинг ҳар биридан кунига 10-12 литрдан сўт соғиб олишяпти. Тайёрланаётган 2 тонна сутнинг ҳар литри 40 сўмдан сотилапти. Ҳар кун 80 минг сўм даромад қилинмоқда. Жорий йилнинг утган ярим йилида 285 тонна сўт 11 миллион 475 минг сўмга, 12 тонна гушт-эса 2 миллион сўмга сотилди. Олти ойда 4,5 миллион сўм соф фойдага эришилди, ҳар бир чорвадорнинг уртача ойлик иш ҳақи 10-12 минг сўмдан тўғри келмоқда. Фермада Голландия ва Исроил давлатларидан келтирилган қорамоллар боқилмоқда. Мулкдорларнинг қўллари узун, қаёққа узатишса етди. Истиқлолсиз бу бахт қаерда эди?

МУАММОЛАР

Инкор этиб бўлмас таъкид шуки, Тошкент мамлакатимизда узига хос урин тутадиган, йирик, энг муҳими, пойтахт вилояти ҳисобланади. Демак, вилоят зиммасидаги масъулият ҳам, унга нисбатан талаб ҳам шу миқдорчилик каттадир. Бундан аён булаётган ҳақиқат шуки, у ҳар жиҳатдан ва ҳар соҳада ўрнатқ бўлиши керак.

Бир вақтлар бу ерда барча соҳаларда бутун мамлакатимизда ибрат қилиб курсатишга аризулик алоҳида ташаббуслар, тажриба ва усуллар мавжуд эди. Уларни бошқа вилоятлардан келиб урганишарди. Хусусан, пахтачиликда узок йиллар довриг таратиб келган илгор ва самарали усул — «Тошкент технологияси» ҳали ҳамон қўлчиликнинг ёдида. Бу шунчаки хўжақўрсинчилик ёки қуруқ сафсата эмасди. Мазкур усул ҳақиқатдан амалда мавжуд эди. Унинг яратилган мазили ва муаллифлари ҳозир ҳам бор. «Тошкент технологияси» бўйича вилоят узок йиллар мамлакатимизда пахтачилик соҳасида қарвонбошилиқ қилиб келгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Нима сабабдан мазкур усул довриги бугунга келиб уз-узидан суниб, ном-нишонсиз бўлиб қолди? Ушандан буён вилоятда пахтачилик соҳаси ҳам оқсамоқда. Ҳолбуки, экин майдонлари жиҳатидан вилоят деҳқонлари жуда бахтлидирлар. Деярли ялпи майдонлар сувли, текис, ҳосилдор. Бошқа вилоятлардаги каби бу ерда шўр ювиши, яхоб бериш, ирригация ва мелiorация муаммолари мурраккаб эмас.

Нима сабабдан шундай була туриб, тола вилоят газнасини валюта тушуми билан бойитадиган асосий восита эканлиги аиниқ ҳолда пахтачилик тармоғи ривожланмапти?

Ғаллачиликда ҳам республика миқёсида солиштирганда ўсиш суръатлари қониқарли эмас, Андижон ва Хоразм вилоятларининг деҳқонлари ҳар гектар сувли майдонлардан 60—70 центнердан ҳосил кутаришга бир пайта вилоятда бу курсаткич 40 центнердан ошмапти.

Чорва фермаларини хусусийлаштириш жараёнида мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топмаганлиги сабабли кўплаб туманларда сўнги вақтларда қорамолларнинг бош сони вилоят бўйича кескин қисқариб кетди. Бундай ҳолат Бука ва Пискент туманларида ҳамон ҳукм сурмоқда. Фермер хўжалиқлари ташкил этишда ҳам баъзи туманларда адолатсизликка йул қўйилмоқда. Ҳақиқий деҳқонлар бир ёқда қолиб ер юкори лавозимларда ишлайдиган ёки илгари амалдор булган айрим собиқ раҳбарлар қўлига тушиб қолмоқда. Бу мулкдор бўлиш ниятида юрган оддий деҳқонлар уртасида норозиликка сабаб бўлмоқда.

Аҳолига, аиниқса қишлоқ қишлоқларида маиший ва маданий хизмат курсатиш қониқарсиз аҳволда. Кўплаб хўжалиқларда клублар ва кўча кино хизматлари умуман фаолият курсатмапти. Оддий понафзал тузатиш, радио ва телевизорларни таъмирлаш учун одамлар қишлоқлардан узок йул босиб, туман марказларига келиб кетишга мажбур бўлишяпти. Ҳаммон ва сартарошонлар ҳам етишмайдил. Борлари ҳам баъзи қишлоқларда фаолият курсатмапти.

Уйлаймики, ушбу ҳолис фикрларимиздан вилоятдаги мутасадди раҳбарлар турли хулоса чиқариб оладилар.

Саҳифани «Қишлоқ ҳаёти» маҳсус муҳбири Иброҳим ТОШЕВ тайёрлади.

ХОЛИС ЭЪТИРОФЛАР

Султон АБДУЛЛАЕВ, Пискент туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилади:

— Ёшим 80 да. Йигирма беш йилдан буён нафақадан. Қишлоғимиз туман марказидан анча олислиги туфайли табиий газ келтириши узок йиллардан буён муаммо эди. Хонадонимизда «зангори олов»ни ёнганини кўрармиканман деган армонда эдим. Худога шукр, истиқлол шарофати билан маҳалламизга жуда тез фурсатда табиий газ келди. Бизга мана шундай қулай шароитни яратиб берган ҳукуматимиздан, шахсан Президентимиз Ислам Каримовдан беҳад миннатдоримиз.

Шокирполвон ШОМАЛИКОВ, Паркент туманида истиқомат қилади:

— Эсимни таниганимдан буён спортнинг миллий кураш тури билан шугулланаман. Жуда кўплаб муСОбақаларда қатнашганман. Лекин шунча йилдан буён мамлакатимизда физкультура ва спортга бунчалик кучли эътибор берилётганлигини мана энди кураяман. Утган йили ҳаётимда унутилмас воқеа руй берди. Туманимизда республика биринчилиги учун ўтказилган миллий курашда мутлақ голиб булдим. Мени «Нексия» енгил автотомашини билан тақдирлашди. Мана шундай ҳимматли давлатимизни келажаги худо хоҳласа, ҳеч шак-шубҳасиз порлоқ булади.

Зарифа ХУСАНОВА, Бўстонлик туманидаги Сижжак қишлоғида истиқомат қилади:

— Илгари қишлоғимизда бирорта ҳам тиббий муолажа маскани йўқ эди. Бирор дард билан оғриб келган кишилар узок йул босиб, туман марказига боришарди. Эндиликда истиқлол туфайли қишлоғимиз аҳолиси янги курилган тиббий муолажа маскани хизматларидан беминнат фойдаланмоқдалар. Бизга бундай қулайликларни ато қилган Мустақиллигимизнинг умри боқий булаверсин.



Вилоят шаҳар ва туманларида кад ростилаётган мустақиллик иншоотлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Даврон АХМАД олган суратлар.



Самар Нурий (Самариддин Нурмухаммад ўғли) 1935 йилнинг мезон ойида Қашқадарё вилояти, Қарши туманининг Жангаллик қишлоғида дехқон оиласида туғилган.

Самар НУРИЙ

СИРЛИ ГИЁХ

Ҳикоя

чанг-чунг, оғир юмуш. Чарчагандир».

— Бор, ювиниб-таран, болам, овқатни узим элтаман.

Қиз ҳафсаласиз ювиниб, дастурхон ёнида хомуш утирди. Онаси қанча қистаса ҳам, қошиқни икки марта лабига тегишиб, товоқ четига куйди. Чой ичишга ҳафсаласи етмай, шифтидаги буйра, қамчилари қорайган ичкари хонага кириб, тушакда муштдайгина бўлиб ётди. Онаси хавотирланиб, қизининг пешонасини силди:

— Бригадир, яшшамагур, уришимми болам?

— Йўқ, — Қизларойнинг узун килпиклари пирпираб, намланди.

Тонгда туриб, ювиниб-тараниб, нонушта тайёрлади. Хумчойнакни дастурхонга қўйиб унинг энгашганда бурнидан «чак-чак» қон тома бошлади. Косовдек қаттиқ, тилинган бармоғи билан бурун катагини қисди. Қон оғзидан кела бошлади. Бир зумда ранг-рўйи пахтадек оқара бошлади. Онани ваҳима босиб, кенжайойини чоптирди:

— Зув бориб — отангни айтиб кел!

Шу тонгда отанинг югур-югури бошланди.

— Қизингизни даволаймиз, — дейишди туман касалхонаси дўхтирлари. — Лекин кўп қон керак.

— Майли, — ота энглари шимарди. — қоним билан жонимни олсангиз ҳам майли, фақат шу жигаримни омон сараб қолсаларинг бас.

— Йўқ, узининг группасидан, иложи бўлса узидай успиришинг қонини топасиз.

Ота етилган новвосни, бешта бурдоки қўйни шо-

шининда арзон-гаровга пуллаб, шаҳарма-шаҳар, шифохоналарга югурди, қон қидириб. Икки ойда пули ҳам адо бўлди, узи ҳам ярим бўлиб қолди. Қизларойнинг томирига куйилган қонлар эса... бурнидан булоқ бўлиб келаверди.

— Бу бизнинг касал эмас экан, — дейишди дўхтирлар охири, — балоғат ёшида экан, аёллар касали бўлимига ўтсин.

Бу бўлимда ҳам унганмаган, чала мурда бўлиб қолган беморни замбилда реанимация-фавкулда бўлимига утказишди. Ота югуриб-елиб қон топиб келар, ора-чурда қариндош-уруғлар ҳиммат курсатишар, бўлим олдидидаги курсида кеча-кундуз икки-уч хеш-акрабо навбатчилик қилиб, дўхтиру хамшираларининг имо-ишорасига маҳтал туришарди. Қизининг кундан-кун шаймдек суниб бораётганига чидалмаган ота охири дўхтирларга илтиҳо қилди:

— Иним, иложини тополмасанглр, айтинглар, пойтахтдаги катта дўхтирларга олиб бораёй вақтини утказмасдан.

— Шошманг, — ёш дўхтирнинг қовоғи уйлди, — иложини қиламиз.

Эрта ҳам, индин ҳам иложини топишолмаган, қизининг бошида парвона бўлиб утирган онанинг сабр қосаси тудди. Касал бўлишдан ҳам, касал боқиш қийин, дейдилар, ахир. Онаизор изиллаб эрига елборди:

— Қизимиздан айрилиб қоламиз-а, отаси. Самолёт, вертолётларда учиб юрадиган дўхтирлар бормиш. Хамширалар «уша санавиацияда қизингизни Тошкентга олиб учмасангиз — армонда қоласиз» деб шипшиди қулгимга секин.

II. Бош врач биқинига «+» кизил белги куйилган самолёт, вертолётга чодирлар, шарбат, шифобахш сув қутилари, ов милтиқларини ортириб, пойтахтдан келган «катта, нозик комиссия»ни вилоятнинг қазо-қазолари билан Қўқбулоқнинг урмонзор тоғларига сай-саёхатга олиб бориш тараддудини қураватган экан. Тиркаш ақани гуноҳ қилган гудакдек силтаб, жеркиди:

— Жуда шўрапуш, фаросатсиз экансан, Санавиациянинг сенинг қизингдан бошқа юмуши йўқми?! Бошини оғритдинг. Бизда қизининг касалини даволайдиган аппаратлар, шароит йўқ, олиб кет пойтахтга в Самарқандга.

— Ҳа, тилинган айланайа, — Тиркаш ақанинг товуши аламдан хириллади, — шу дардингни олдинроқ айтмайсанми, эланиб кирганимда!

— Луқмони Ҳаким ҳам тузатолмайди у касални. Майли, — деди бош дўхтир катта марҳамат курсатавтгандек оҳангда, — анави «Тез ёрдам»да олиб бориб бахтингни бир синаб қур. Харажатлари буйинида.

Биқинига қизил «+» белгиси куйилган самолёт парраги айлиниб, чанг-тузон билан ҳавога кутарилди. Тиркаш ака тузонда бошидан учиб ерга тушган қалпоғини олиб, тиззасига уриб қочқиди, кийди. Бош врач одоб билан сизлаб айтса шу гапларни, у тақдирга тан бериб, тумандан жилмасди. Бош дўхтирнинг курслиги, иддааси жон-жонидан утиб кетди. Қасдма-қасдига шалаги чиққан «Тез ёрдам»га бензин олиб бериб, шифёрни, ҳамроҳ дўх-

тирни рози қилиб, рангги буз, қўзлари юмук, ингичка тортган бурнидан зурга нафас олиб, замбилга сингиб кетган қизини олиб йўлга чиқди. Беморнинг бир ёнида узи, бир ёнида онаси. Ҳамроҳ дўхтир кабинада шифёرنинг қаватида утирибди.

III. Дўхтир Мехригёв қирқ ёшларда уйчан, жиддий, вазмин, истараси иссиқ аёл экан. Беморнинг қаровоти ёнидаги стулга утириб, ота-онага синчков назар солди:

— Юртларингда кўп бўлганман. Хушхаво, табиати муътадил жойлар. Бунақа касаллар бўлмаслиги керак у жойларда. Далада заҳарзаққум меъеридан олиб кетибди-да. Табиат касал бўлса — унинг фарзанди инсон ҳам соғ қолмайди. Пахтада ишлайсизларми?

— Ҳа, — деди ота мунгайиб.

— Қизингиз-чи? — Мехригёв қўзларини юмиб ётган беморга ишора қилди. — Уям.

Дўхтир беморнинг қон босимини диққат билан ўлчади, юрак зарбини, улқасини тинглади, қўйлаги остига қўл юбориб, қоринни босиб-босиб курди, «оғзингни оччи», деб тилига назар солди: Ҳаммаси пахтанинг, бутифос, гербицидларнинг касофати. Қон қуйилишини меърга солиб турадиган хужайраларни емирган. Талоқ шикастланиб, қиз шўрликнинг жонқизи озуқасиз қолган. Бу заҳри қотилиб табиат узи Навруз гиёҳлари даволайди, холос». Мехригёв ваҳима қилмай, қатъий қарорга келганда, «яқши» деди-да, хонадан чиқиб кетди. «Касални утказиб юборибсизлар» деган таъна-дашномаларни эшитишга шай турган ота-она ҳам, ҳамроҳ-дўхтир ҳам бу «яқши»нинг тагида қандай сир яширинганини англомайди, ҳайрон бўлиб қолди.

(Давоми бор)



Тест синови — адолат мезони. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ФЕРМЕР ПИЛЛАНИ КАЙТА ИШЛАЙДИ Наманган туманидаги Фазлиддин Иброҳимов номли фермер хўжалиги аслада гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган бўлса-да, уз фаолият доирасини кенгайтириб бормоқда. Яқинда фермер хўжалигида пиллани қайта ишлаш корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан 1-Аҳсикент мавзёида яшовчилар учун 110 ишчи ўрни яратилди.

Бугунда биргина Наманган туманининг узидан 809 нафар тадбиркор, ишбилармон, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолият курсатмоқда.

Бўстонда шифохона Бўстон қишлоғи Наманган туманининг олис, гавжум қишлоқларидан. Шу кунгача бу ерда шифохона бўлмаганлиги учун қишлоқ аҳли бир неча чакирим йўл босиб, туман марказига катнаб даволанишга кўчмаётган эдилар. Тонлиқлар-йиллик оғир-ушадли марказида пилал қуриқармаси ва «Башорат» хусусий фирмаси ҳомилигида 50 уринли шифохона қурилиб фойдаланишга топширилди.

КОСОНСОЙНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ Косонсой туманида шифобахш маъдан сувлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қўшон-ЛТД-Россия» қўшма корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Айни кунда бу ерда етти хил маъданли сув ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, буёрак шамоллаши, турли ички касалликларга шифо бўлувчи «Косонсой-31», «Булқоқ-30» деб номланган салқин, хушбўй ичимликлар харидорларга манзур бўлмоқда.

ЙўЛЛАМА ТОПШИРИЛДИ Турақўрғонлик бир гуруҳ ўқувчилар миллий кураш бўйича республика биринчилигида ва ўқувчилар спартакиадасида голиб чиқиб, имтиёзли равишда Наманган Давлат университетига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар. Қўни-кеча вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Т. Жабборов ана шу бахтиёр ёшларга тантанали суратда қимматбаҳо совғалар ва университетга йўлланмалари топширди. М. САЛМОНОВ, О. НОМЗОВ.

Яқши хабарлар

ЕБ ТҲЙМАГАН ЯЛАБ ТҲЙМАС

Бухоролик М. Бўронов деган бообур домла узининг нафси измига кирди-ю, қузига пулдан бошқа нарса қуринмай қолди. Эл қатори бировдан нари, бировдан бери бўлиб, «Жигули» машинасини ҳайдаб юрган кунларига узи нуқта қўйди.

Қандай қилиб дейсизми? Бухоро шаҳрида ички ишлар ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилаётган пайтда унинг қинғир ишлари хиди чиқиб қолди. Г. Раҳматова исми аёлдан 10 минг сум пора олаётган пайтда қўлга туширилди.

ЭГАСИЗ ГУВОҲНОМАЛАР

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри ва Қўшработ тумани ички ишлар бўлимлари ходимлари томонидан ҳамкорликда утказилган тад-

бир натижасида Қўшработ тумани Очил Қодиров номли жамоа хўжалигининг Қовунчи қишлоғида яшовчи «Олмаота» фермер хўжалиги раиси 1956 йилда туғилган Маҳмуд Холбековнинг уйи қўздан кечирилганида 3,5 килограмм марихуана гиёҳванд моддаси, унинг оғилхонасидан 180 дона 0,6 калибрли патрон, 50 до-

КИМ КИЛМАГАЙ, КИМ ТОПМАГАЙ

на «Эрк» партиясининг газетаси ва 19 донга ушбу партия аъзоларининг тулдирилмаган гувоҳномаси топилган. Шунингдек, турли хил ўлчовларга мослашган тарозилар ва бошқа совуқ қуроллар топилган.

ПИЁДАНИНГ «ЗИЁДА» ИШЛАРИ

Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан олиб қилинган тезкор тадбирлар

натижасида Тожикистон Республикаси фўқароси Ленинобод вилоятининг Зафаробод шаҳрида яшовчи Мардон Қодиров 1,5 килога яқин «Қорадори» гиёҳванд моддасини сотаётган пайтда қўлга олинди. Дастлабки суриштирувлардан сўнг шу нарса маълум бўлдики, у чегарадан Ховос посёлқасининг Тожикистон билан туташ жойидаги темир йўл орқали пиёда утган.

Худди шу сингари Тожикистон фўқароси 25 ёшли Саодат исми аёл ҳамюртлари Юсуф ва Гулчехралар билан бирга олдиндан жиноий тил бириктириб оlib келишган бир килога яқин гиёҳванд модда героини 7000 АҚШ долларига сотмоқчи бўлишавтганида Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

ИИБ Матбуот маркази.



АНОР

Анор табиий ҳолда Ўзбекистоннинг жанубий районларида, жанубий ва гарбий Ҳирсонда кўрайди. Анор таркибиде киши аъзоларига фойдали, иштаҳо очувчи, овқатни ҳам қилшда иккиб қисилган. Бундан ташқари, олин анор пўстлогидан тайёрланган қайнатма ичбурғу даво экинлиги ва у гижжани ҳайдаши турғисиде маълумотлар беради.

Табиат шифохонаси

Халқ табиатида анор пўстлогиде, меваси ва мева пўсти, шунингдек, усимлик гули истисқо (водянка), қўтир, йўтал, ичбурғу, сариқ касалликларига даво сифатида қўлланилади. Анорнинг шарбати зангила (лаъца, цинга) касалликларига даво бўлади. У иштаҳани очувчи неъмат ҳамдир.

Агар мева пўстлоқларининг қули сариғе ёки мол ёғи биле яқшилаб аралаштириб суртилса, теридеги йирингли ярачаларининг тузаллишига ёрдам беради. Мева пўстлогидан тайёрланган қайнатма оғиз бушлиғининг яллиғланишига даво бўлади.


Анор шарбатидан шифобахш қўвмлар тайерлаш ҳам мумкин. Анорнинг етилиб пишган мевасидан 4 кг олиб, унга 2 кг шакер ва ярим пиёдале микдорда раёқон гули қўшиб, қўем ҳолига келгунча қайнатилди. Анор қиеми иштаҳо очади, аъзоларга қуеват бағишлайди.

Анор, олма, беги, лимон, отқулук, ошқовок, нилуфар ва кашиничи тенг микдорда аралаштириб қайнатилиб, унинг қўюқ шарбатига асал қўшиб истемьол қилинса сафро қулиб, қўнғил беҳур бўлишига тинка қуришдан қўтилиш мумкин. (Р. Собиров, Х. Холматов).

Илмий медицинада анорнинг илдиз пўстлогидан тайерлашдан экстракт, шунингдек, анор пўстлогиде таркибидеги пельтерининг танини ва сульфат кислотаси биле умумлашмаси (пельтерин-сульфат) лентасимон гижжаларни туширишда ишлатилади. Мева пўстининг қайнатма дисентерия касалини даволашда қўл келади.

«Шифобахш неъматлар» рессоласидан.

Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги «Интеллектуал системалар» хусусий корхонаси тугатилди. Даъволар эълон бўлишган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.



Асрларга гувоҳ бу чинор. С. МАҲКАМОВ сурат-лавахаси.

НОМУСНИНГ БАҲОСИ

«Қишлоқ ҳаёти»да С. Абдурахмоновнинг «Хону номидан айрилганман» номли мақоласини ўқиб, кўпдан мени ҳам ташвишлантириб келаватган бир воқеа ҳақида ёзиш истаги пайдо бўлди. Тошкентнинг сулим оромгоҳларидан бирида хордиқ чиқараётганим. Йигирма икки-йигирма тўрт ёшлардаги бир қиз ёнимга келиб утирди. Унинг қулгичлар билан тулган юзларидан жувонлик аломатлари сезилмасди. Бонинидаги шабадапаранг рўмоли ҳам узига ярашиқли. У менга илкис суз отди.

— Тошкентга меҳмон ўқшайсиз, менга минг сум беролмайсизми, истаган ишингизга розиман, — деди узини кейинчалик Илмира деб таништирган «қиз». Ҳайратдан ёқа ушладим.

— Қийналиб қолган бўлсангиз озроқ ёрдам беришим мумкин, — дедим унга синчков қараб. — Лекин мен сиз айтавтган ёшдан аллақачон утганман, қолаверса, бу «хўнарлар» мен-

га ярашмайди. — Кечиринг амаки, — деди у рўмолчаси билан куз ёшларини артиб. Илмира шаҳдам уридан турди ва қавққадир чопиб кетди. Мен оғир уйга толдим. Илмира-ку кетди. Лекин бошқа илмираларчи? Хозир азим шаҳарнинг қайси пасткамроқ жойларига борманг, сулув-сулув танфурш илмираларга дуч келасиз. Жамоатчилик эса лоқайд, ёшлар билан хатто «ақл ёшига» етганлар ҳам уларнинг атрофида гирди-капалак. Милиция ҳам уларни яқши билади, яқши танийди, Лекин...

Бунга ким чек қўяди? Тошкентни, нафақат Тошкентни, бутун мамлакатни бундай иллатдан тозалаламай туриб маънавиятни юксалтириш мумкин эмаску! Маҳалла, жамоатчилик, ташкилотларнинг раҳбарлари, ишхоналарнинг мутасаддилари, жамоа бошлиқлари нима деркилар?

М. ҚАЮМОВ, журналист.

Ҳурматли юртимдошлар!

«Ўзбекбирлашув» ва «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниялари 1999 йилнинг 5 августидан 10 сентябргача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«Мактаб бозорлари» ташкил этади.

Сизлар ушбу «Мактаб бозорлари»дан ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фойзгача арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

Мактаб бозорларига марҳамат қилинг, азиз дўстлар!

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32. Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиктисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Узпахтасаноат-сотиш» уюшмаси, «Ўзмевабазавотузмасаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзил: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.